

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТАШКЕНТ ВИЛОЯТИ  
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Тошкент вилояти Чирчиқ  
давлат педагогика институти  
ректори Г.И. Мухамедов



*[Signature]*  
2020 йил

Педагогика назарияси ва тарихи фани бўйича малакавий имтиҳон  
ДАСТУРИ

ЧИРЧИҚ - 2020

## **Аннотация**

Мазкур дастурда педагогика мутахассислигидан таянч маълумоти бўлмаган изланувчиларнинг магистратура таълим босқичи ўқув дастурлари асосида “Педагогика назарияси ва тарихи” фани бўйича билимини қўшимча малакавий имтиҳон орқали текшириш учун тавсия этиладиган саволлар, мавзу йўналишлари, изланувчилар жавобларини баҳолашда эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўлган жиҳатлар белгилаб берилган.

### **Тузувчилар:**

п.ф.д., проф. У.И.Махкамов,  
п.ф.д., Ж.Э.Усаров,  
п.ф.н., доцент, Ф.У.Жуманова,  
Фалсафа фанлари доктори (PhD) С.Б.Қораев

### **Тақризчилар:**

п.ф.д., проф. Д.И.Рўзиева,  
п.ф.д., проф. Б.Х.Хаджаев

## СЎЗ БОШИ

Дастур педагогик фикр ривожланишини изчил ўрганиш бўлғуси мутахассисларга ҳозирги даврда ўтмишнинг илғор педагогикасининг узвий давоми эканлигини кўрсатиш ҳамда педагогика тараққиёти йўналишларини англаб олишга ёрдам беради.

Фанининг мақсад ва вазифалари талабгорларнинг ҳозирги замон педагогика фанининг назарий асослари билан қуроллантириш; “Таълим тўғрисида”ги Қонунни амалга ошириш шароитида таълим самарадорлигини ошириш учун уларда зарур кўникмаларни ҳосил қилиш; педагогик тафаккурни шакллантириш негизини яратиш; педагогик фикрлаш қобилиятини таркиб топтириш; “Таълимнинг педагогик қонуниятлари ҳамда тамойиллари”га мос ҳолда тегишли қарорлар қабул қилиш; Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, А.Навойи, А.Авлоний, Ян Амос Коменский, К.Д.Ушинский ва бошқа мутафаккирларнинг таълимий-ахлоқий, умумбашарий қадриятлари, “Қуръони Карим” ва “Ҳадиси Шариф”да ҳамда мамлакатимиз Президентининг нутқларидаги умуминсоний ва маънавий-ахлоқий тамойилларни билиш; ҳозирги замон таълим технологияларини билиш ҳамда уларни амалиётда қўллаш олишдан иборатдир.

**Фан бўйича билим ва кўникмаларга қўйиладиган талаблар.** “Педагогика назарияси ва тарихи” ўқув фанини ўрганиш жараёнида кўйидаги педагогик тушунчаларни билиш ва кўникмаларга эга бўлиш зарур: таълим-тарбия ишларини мустақиллик ҳолидан фойдаланилган ҳолда педагогик қонуниятлар ва тамойилларга уйғун ҳолда ўтказиш; педагогик фаолиятни режалаштиришда, яқин, ўрта даврни ва истиқболни кўзлаб мақсад, вазифаларни белгилаш; амалиётда ўқитиш ҳамда маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг асосий шакллари кўллаш; амалиётда ўқитиш ва маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг қулай метод ва воситаларини кўллаш, маълум вазиятларда улардан тўғри фойдалана олиш; таълим жараёнини замонавий педагогик технологиялар. Шарқ ва Ғарбнинг илғор педагогик тажрибаларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш; ўз олдида қўйган вазифаларни тўғри бажарилишини ташкил этиш; шахс фаолияти ва хулқини рағбатлантириб бориш; педагогик вазиятлар, таълим ва тарбия натижаларини таҳлил эта олиш, жамоани ўрганиш; ўзлаштирмаслик сабабларини, камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун самарали тадбирларни белгилаш; ўз билимини ошириб бориш, амалиётда педагогика фанидаги ютуқлар, илғор тажрибалардан фойдаланиш, қулай педагогик тадқиқотлар ўтказиш, педагогик фаолиятда юзакичилик ва бир қолипда ишлашга йўл қўймай, ишга ижобий муносабатни намоён этиш; гуруҳ раҳбари ва тарбиячи-мураббий вазифаларининг самарадорлигига эришиш, оналар, маҳалла, жамоатчилик, билан ўз-ўзини бошқаришни ташкил этиш.



**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олишга талабгорга бериладиган топшириқлар мазмуни**

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида илм-фани ривожлантириш принциплари.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил
3. 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорида педагогика фанини ривожлантиришга қўйилган талаблар.
4. Педагогика фани тараққиётида халқаро илғор тажрибаларни қўллаш ва таълим тизимини модернизациялаш тизими.
5. Педагогика тарихининг тараққиёт тенденциялари
6. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида таълим тизими ислоҳ қилиш йўллари.
7. Таълим-тарбия ва педагогика тарихини даврлантириш муаммолари.
8. Педагогика – ижтимоий фан ва унинг жамият тараққиётида тутган ўрни. Ҳозирги шароитда педагогика фани олдида турган долзарб муоммалар.
9. Абу Али Ибн Сино ва Абу Райхон Берунийларнинг умумпедагогик ҳамда дидактик ғоялари.
10. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида таълим тарбияга оид ғоялар
11. Педагогик тадқиқотларнинг долзарблиги, мақсади, муаммони шакллантириш, тадқиқот предмети, илмий янгилик мезонлари
12. XXI- асарда педагогика фани тараққиётининг устувор йўналишлари
13. Педагогикада тестлар ва улар қўллаш имкониятлари.
14. Педагогика фанининг методологик муаммолари.
15. Я.А.Коменскийнинг “Буюк дидактика” асарининг педагогик фикр тараққиётида тутган ўрни.
16. Ўқувчи шахси тарбия объекти ва субъекти сифатида. Шахс ривожланишининг асосий омиллари.
17. Фуқаролик тарбиясининг мақсад ва вазифалари.
18. Ахмад Югнакийнинг “Хибат ул-Ҳакойиқ” асарида таълимий-ахлоқий фикрлар.
19. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов илм-фанни ривожлантиришнинг маъанвий-ахлоқий негизлари ҳақида.
20. Педагогик тадқиқотлар йўналишлар ва натижалар.
21. Олий таълим муассасаси ходимлари аттестациясига қўйиладиган талаблар.
22. Таълим жараёни ҳақида тушунча ҳамда унинг икки томонлама хусусияти. Таълим жараёнида билиш фаолиятининг босқичлари:



идрок килиш, фахмлаб олиш, тушиниш ва умумлаштириш, мустаҳкамлаш ва амалда қўллаш.

23. Халк оғзаки ижоди – ўзбек халк педагогикасининг асоси.
24. Олий таълим соҳасини бошқарув демократик тамойиллари.
25. Давонийнинг таълимий-ахлоқий қарашлари.
26. Олий таълимнинг бакалавриат босқичида талабанинг ўзлаштириши зарур бўлган мажбурий фанлар блоклари.
27. Халк педагогикаси ва унинг таълим – тарбияда тутган ўрни.
28. Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида таълимий-ахлоқий масалалар.
29. Олий таълимнинг магистратура босқичида магистрнинг ўзлаштириши зарур бўлган мажбурий таълим.
30. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари.
31. Таълим сифатида ва унга ижобий таъсир этадиган омиллар.
32. Эстетик тарбия мазмуни, мақсади ва вазифалари.
33. “Авесто”да таълим-тарбия масалалари.
34. Ўзбекистон Республикаси Конситуциясида таълим-тарбиянинг қонуний асослари.
35. Диннинг тарбиявий ахамияти ва акидапарстликнинг олдини олиш. Толерантлик.
36. А.Навоийнинг таълим-ахлоқий қарашлари.
37. Таълим методлари ва воситалари, ҳақида тушунча, ҳамда уларнинг таснифи. Билим, кўникма ва малакаларни баҳолашда рейтинг тизими.
38. Ёшларда ижодкорликни шакллантириш.
39. Мирзо Улуғбекнинг мактаб ислоҳати.
40. Дидактика ҳақида тушунча, унинг мақсад ва вазифалари.
41. Таълимнинг анъанавий синф-дарс шакли. Таълим самарадорлигини ошириш омиллари.
42. Хусайин Воиз Кошифийнинг таълимий-ахлоқий қарашлари.
43. Ўқитиш воситалари ва улардан фойдаланиш. Медиатаълим.
44. Меҳнат тарбияси: мазмуни, вазифаси, методлари, касбга йўллаш усуллари.
45. К.Д.Ушинскийнинг педагогик тизими.
46. Ўқитиш сифатини назорат қилиш тизими.
47. Рейтинг назорат тизимида ахборот таълим ресурсларидан фойдаланиш.
48. Я.А.Коменскийнинг “Буюк дидактика” асари ва унинг педагогика фанида тутган ўрни.
49. Тарбия тамойиллари ва унинг методлари.
50. Умуминсоний ва миллий қадриятлар, ҳамда уларнинг шахс тарбиясидаги ўрни.
51. Ўқитувчининг касб маҳорати ва унга қўйиладиган талаблар.

52. Туркистонда – аёллар таълими тизими (Жахон Отин Увайсий, Дилшод Отин ва Анбар Отинларнинг кизлар мактаби).
53. Масофавий таълим турлари
54. Бобурнинг “Бобурнома” асарининг илм – фан тараққиётида тутган ўрни.
55. Синф раҳбарининг тарбиявий ишлари.
56. Таълим методлари ва унинг тавсифи. Таълим методларини такоминлаштириш муаммолари.
57. Шахс ва мактаб жамоаси. Шахсни жамоада тарбиялаш.
58. Тарбияда миллий ва умуминсоний қадриятлар.
59. Абдурахон Жомийнинг маърифий-ахлоқий қарашлари.
60. Ўқувчиларнинг ижтимоий функциялари. Унинг тарихий ривожланиши.
61. Саъдийнинг “Гулистон” асарида маънавий-ахлоқий тарбия.
62. Мустақиллик мафқураси ва тарбия масалалари.
63. Фуқоралик тарбияси ва унинг мазмуни.
64. Абу Райхон Берунийнинг таълимий-ахлоқий қарашлари.
65. Ўқувчиларни иқтисодий тарбиялаш. Унинг мазмуни, шакл ва методлари.
66. Оилада бола тарбияси. Ибн Сино, А.Навоий ва бошқа донишмандлар оила тарбияси ҳақида. Оила анъаналари тарбия сифатида.
67. Ал-Хоразмий илмий-билиш методлари ҳақида.
68. Педагогика фанининг тараққиётида миллийлик ва умуминсоний қадриятларнинг ўрни.
69. Таълимни программалаштириш ва компьютерлаштириш.
70. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ва уларни ташкил этиш методикаси.
71. Абдулла Авлонийнинг янги усул мактаблари.
72. Ҳозирги зомон-мактабларида таълим мазмуни. Таълим мазмунини белгиловчи ҳужжатларга тасниф. Давлат ўқув режаси, ўқув дастури, дарслик ва бошқалар.
73. Кайковуснинг “Қобуснома” асарида маърифий-ахлоқий масалалар.
74. Ўрта мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ривожланиши ва тарбиялаш хусусиятлари.
75. Ёш авлод тарбиясида мактаб, оила ва маҳалланинг ҳамкорлиги.
76. Давлат таълим стандартлари ва уни ҳаётга тадбиқ этиш муаммолари.



### **Фойдаланишга тавсия этилган адабиётлар рўйхати.**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 1993.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонун
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киририш тантанали маросимида бағишланган Олий мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016- 56 б.
4. Nishonova S. Komil inson tarbiyasi. - Т,: Istiglol, 2004.
5. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. - Т.: Ўқитувчи 1993.
6. Абу Райхон Беруний. Қадимги халклардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1-том. -Т.: Фан,1998.
7. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Асарлар. Ўн беш томлик. 13-том. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1996.
8. Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. /Одоб дурдоналари/. -Т.: Ўзбекистон, 1990.
9. Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-жомеъ ас-сахих. -Т.: Ўзбекистон, 1991.
10. Кайковус. Қобуснома. Т.: “Мерос”, 1992.
11. Мавлонова Р. ва бошқ. Педагогика. -Т.: Ўқитувчи, 2001.
12. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: Ўзбекистон, 2000.
13. О.Ҳасанбоева, Ж.Ҳасанбоев, Х.Ҳамидов. Педагогика тарихи. Ўқув қўлланма Т., “Ўқитувчи”1997.
14. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. -Т.: Молия, 2003.
15. Ўзбек педагогикаси анталогияси 1-2 т. (тузувчилар К.Ҳошимов, С.Очил. Ўқитувчи, 1995-2000).
16. Фарберман Б. Илғор педагогик технологиялар. -Т.: Фан, 2000.

### **Дастурнинг информацион-услубий таъминоти**

1. [www.chdpi.uz](http://www.chdpi.uz)
2. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)
3. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
4. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
5. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
6. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
7. [www.istedod.uz](http://www.istedod.uz)